

Газетамизнинг бугунги сониди сайловолди ташвиқоти доирасида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси номидан "Янгиликка асосланган либерал ғоялар – тараққиёт таянчи", Ўзбекистон "Миллий тиклашни" демократик партиясининг "Миллий ва умуминсоний қадриятлар – маънавий юксалиш ва маданий тараққиётнинг муҳим асоси" сарлавҳали мақолалари уларга ажратилган бепул нашр майдони доирасида чоп этилмоқда.

**SAYLOV
2024**
27-OKTABR
MENING TANLOVIM — OBOD VATANIM!

3-саҳифага қаранг.

ЗАМОНАВИЙ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИ ТАЯНЧИГА АЙЛанаДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 14 октябрь куни бунёдкорлик ишлари, аҳоли ҳаёти ва янги лойиҳалар билан танишиш мақсадида Тошкент вилоятининг қатор туманларида бўлди. Давлатимиз раҳбари дастлаб Тошкент туманига ташриф буюрди.

Илгари бу ернинг маркази йўқ эди. Келес йўли кўчаси бўйлаб янги бино ва мажмуалар қад кўтаргач, худуднинг қиёфаси тамоман ўзгарди. Хусусан, ушбу бош кўча кенгайтирилган ҳолда қайта қурилди. Унинг икки тарафда Давлат хизматлари маркази, Ёшлар маркази, маданият саройи, амфитеатр, универсал спорт мажмуаси, хотира майдони ва сайилгоҳ каби кўркем иншоотлар барпо этилди.

Эски, пастқам уйлар ўрнида 41 та кўп қаватли тураржой қурилди. Энди улардаги 2 минг 536 та хонадонда 11 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Бу уйлarning ертўла ва биринчи қаватида савдо, умумий овқатланиш, маънавий ва молиявий хизматлар бўйича 270 та шаҳобча ташкил қилинмоқда. Уларда 1 минг 350 киши, жумладан, шу ерлик ёшлар ва аёллар ишли бўлади.

Давлатимиз раҳбари ушбу бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Реновация лойиҳасида ижтимоий инфраструктулага катта эътибор қаратилди. Марказий шифохона, туманлараро перинатал марказ, болалар боччаси, "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази, туман тарихи музейи ишга туширилди. Ўзгаришлар фақатгина туман марказида эмас. Худудда яқин-яқингача

ичимлик суви муаммо эди. Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан 4 та ҳавза қурилиб, 365 километр қувур тортилди. Натيجида 36 та маҳалла аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди. Охириги уч йилда туманда 218 километр ички йўллар таъмирланиб, асфальт ётқизилди. Бундай ишлар яна давом этмоқда.

Шу ерда Тошкент туманида тadbиркорликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва камбағалликдан чиқариш масалалари юзасидан мутасаддиларнинг ҳисоботи эшитилди. Жорий йилнинг 6 ойида туман иқтисодиёти 23 фоиз ўсган. Янги қурилишлар ва улардаги корхоналар негизда солиқ манбаси кўпайган. Тошкент туманида 70 та маҳалла, 62 мингта оила бор. Аҳоли оғир бўлган 372 та оилга кўмаклашиш учун масъуллар бириктирилиб чоралар белгиланган.

Режадаги лойиҳалар, бандлик ҳамда тadbиркорлик дастурлари доирасида йил якунига қадар 34 минг 443 та иш ўрни яратилиши мўлжалланган.

Президент хонадонлардаги имкониятларни юзага чиқариш, тadbиркорларнинг камбағал оила вакиллари ишга олишини рағбатлантириш бўйича топшириқлар берди.



– Тошкент тумани пойтахтимизнинг ёнгинасида. Бу ерда уй-жой, ишлаб чиқариш, тижорат, хизмат бўйича жуда катта имкониятлар бор. Иш тўғри ташкил қилинса, ўзи бу туманда камбағалчилик бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун иқтисодий комплексга, маҳаллаларга бераётган имкониятлардан фойдаланиб, камбағалликдан фаровонлик сари юриш керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Тошкент туманида йил якуни билан қарий 53 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиши ҳисобига саноатда ўсиш суръати 9 фоиз, хизмат кўрсатишда 13 фоиз бўлиши кутилмоқда. Экспорт ҳажмини 100 миллион долларга етказиш мақсад қилинган.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Зангиота туманидаги "Technologies of real time" Ўзбекистон – Сингапур қўша корхонасига борди.

Автомобилсозлик мамлакатимиз саноатида йирик тармоқ. Сўнгги йилларда автомобил ишлаб чиқариш қарий 3 баробар кўпайиб, жорий йил якунида 460 минг донага етиши кутилмоқда. 2030 йилгача бу кўрсаткични 1 миллионга етказиш режалаштирилган.

Соҳада монополияни йўқ қилиш ва рақобатни ривожлантириш мақсадида 2 та янги хусусий корхона ва нуфузли хорижий брендлар жалб этилди. Умуман, бугун 20 дан зиёд заводда ўнлаб турдаги автомобиллар, юк ва йўловчи ташиш транспортлари ишлаб чиқарилмоқда.

Шу босис тармоқда эҳтиёт қисмларга ҳам талаб кўп. Бу борада 300 дан зиёд корхона яхлит кооперацияга боғланган. Зангиотадаги "Technologies of real time" шулардан бири.

Президент 2019 йилда "Ўзэкспомарказ"да бўлиб ўтган халқаро саноат ярмаркасида мазкур корхона маҳсулотлари билан танишиб, зарур кўрсатмалар берган эди. Шу асосида модернизация ишлари амалга оширилди. Корхонадаги 12 та цехга Хитой, Россия, Корея Республикаси, Япония ва АҚШдан келтирилган ускуналар ўрнатилди. Бугунги кунда 118 хил русумдаги автомобилларнинг юриш, трансмиссия ва бошқарув тизимлари учун 750 дан ортқ турдаги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.

– Кўп деталлар маҳаллийлаштирилгани ҳозирча маъқул. Мутахассислар зўр бўлса, сифат ҳам, экспорт ҳам ошади, – деди Президент.

Шундан келиб чиқиб, мутасаддиларга корхонада эҳтиёт қисмлар қаторини кенгайтириш бўйича топшириқ берилди.

Бу ерда 220 та иш ўрни яратилган. Ходимлар корхонада йўлга қўйилган мономарказда ўқитилиб, ишга қабул қилинади. Маҳсулотлар буюртма асосида Ўзбекистон бўйлаб етказиб берилади. Хусусан, "Uzauto Motors"нинг Хоразм вилоятидаги заводига "Damas" ва "Labo" автомобиллари учун 773 минг дона эҳтиёт қисмлар етказиб берилган.

Товарларни техник текширув ва синовлардан ўтказиш учун замонавий лаборатория ташкил этилган. Корхона маҳсулотлари IATF 16949:2016, ISO 9001:2015, ISO 45001:2020 ҳамда "General Motors"нинг BIC халқаро сифат сертификатларига эга.

Шу босис уларга хорижда ҳам талаб бор. Хусусан, ўтган йили Қозғоистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Россия, Украина, Бирлашган Араб Амирликларига 3 миллион долларлик эҳтиёт қисмлар етказиб берилган. Жорий йилнинг тўққиз ойида 2 миллион доллардан зиёд маҳсулот экспорт қилинган.

Шунингдек, корхона Германия, Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой ва Россияда бўлиб ўтадиган халқаро кўргазмаларда иштирок этиб келмоқда.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ИЗЧИЛ ЎСИШ, ЗАМОН БИЛАН ИЛДАМЛАШ ЙЎЛИДАН БОРАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 15 октябрь куни Тошкент вилоятининг Олмалик шаҳрига ташриф буюрди.

Бу шаҳарнинг асоси ва драйвери – Олмалик кон-металлургия комбинати. Иқтисодиёт, иш ўринлари, уй-жойлар, маданият ва таълим масканлари ушбу мажмуа негизида шакллانган.

Бугун изчил ўсиш, замон билан илдамлаш керак. Давлатимиз раҳбари ҳар бир соҳани илгари асосланиб ривожлантириш талабини кўяди.

Олмаликда ҳам кадрлар тайёрлаш шу йўсинда йўлга қўйилган. Хусусан, шаҳарда Тошкент давлат техника университетининг ҳамда Москва пўлат ва қотишмалар институтининг филиаллари очилган. Яқинда буларга қўшимча Олмалик кон-металлургия комбинатининг Муҳандислик мактаби ташкил этилди.

Президент аввало мазкур мактаб фаолияти билан танишди.

Бу ерда Германия тажрибаси асосида йилига 480 нафар муҳандис тайёрланади ҳамда минг нафар ходимнинг малакаси оширилади. Дарс жараёнлари йўналиш ва мавзулардан келиб чиқиб, хорижий профессор-ўқитувчилар иштирокида олиб борилади.

Ўқув дастури Германиянинг Фрайберг кончили академияси, "GP Günter Pappenburg AG" ва "Aurubis AG" компанияларининг илғор таълим методологиялари асосида ишлаб чиқилган. Мактаб шунга муво-

фиқ, механика, металлургия, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, фойдали қазилмаларни бойитиш, энергетика йўналишлари бўйича замонавий ўқув-амалиёт ускуналари билан жиҳозланган.

Давлатимиз раҳбари мазкур хоналарда бўлиб, иш ўрганаётган ёшлар билан суҳбатлашди.

– Замон ўзгараётти, ҳар бир соҳага инновациялар кириб келаяпти. Шунга муносиб малакали кадр бўлиш учун доим ўз устингизда ишлашингиз керак. Комбинат тақдирини рақамлаштиришда. Ҳар бир бўлимни, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичини рақамлаштириш зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Олмалик кон-металлургия комбинатида 3-мис бойитиш фабрикаси қурилмоқда. Келгусида унда ишлайдиган мутахассислар ҳозирдан тайёрланмоқда.

Қисқа вақтда бу ерда 100 дан ортқ ёшлар ўқиб, тармоқ корхоналарига ишга жойлашган.

Президентимиз мактабнинг самарадорлигини янада ошириш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун ўқувлар мунтазам ташкил этилиши, энг муҳими, амалиёт билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак.

Шу йил 20 июнь куни муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фа-

олиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтган эди. Унда биринчи босқичда 10 та олий муҳандислик мактаби ташкил этилиши белгиланган. Бугунги кунда шундай мактаблар ташкил этилмоқда. "Тармоқ – корхона – олийгоҳ" занжирини мустаҳкамлаш мақсадида ҳар бирининг саноат ҳамкори белгиланган.

Муҳандислик мактаблари олий таълим муассасалари таркибиде етакчи йўналишлар бўйича ташкил этилади. Уларда математика, физика, кимё, муҳандислик графикаси, информатика ва хорижий тиллар бўйича чуқур билим берилади. Бакалаврият ва магистратура 4+1 шаклида йўлга қўйилади. Талабалар иккинчи курсдан ихтисосликлар бўйича саралаб олиниб, саноат ҳамкорлари учун мақсадли кадрлар тайёрланади.

Мазкур мактабларнинг профессор-ўқитувчилари "Эл-юрт умиди" жамғармаси, тегишли ҳамкор ва университет маблағлари ҳисобидан етакчи хорижий муассасаларга малака оширишга юборилади. Саноат ҳамкорлари соҳа тараққиётидан келиб чиқиб, замонавий лабораториялар ташкил этади.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Олмаликдаги "Ёшлик-1" қони ҳамда унинг негизда қурилатган 3-мис бойитиш фабрикасини кўздан кечирди.

Олмалик кон-металлургия комбинати рангли, нодир ва қимматбаҳо металллар қазиб чиқаришда етакчи. Мамлакатимиз янги саноат маҳсулотининг 5 фоизи, саноат маҳсулотлари экспортининг 6 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади. Комбинат тизимида 35 мингта яқин киши ишлайди.

Ўтган йили 148 минг тонна мис, 17 тоннадан зиёд олтин, 162 тонна қумуш ишлаб чиқарилган. 1 миллиард 100 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиб, 662 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

Кейинги йилларда геологик қидирувлар ва инвестициялар миқдори ошгани натижасида ишлаб чиқаришнинг янги имкониятлари топилмоқда. Шулардан бири – "Ёшлик-1" қони. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 мартдаги қарорига мувофиқ истиқболли инвестициявий лойиҳа амалга оширилмоқда.

Кон худуди 11 минг гектар. Захираси ҳам салмоқли – йилига 65 миллион тонна маъдан. Бу қонда олтин, мис, қумуш, молибден, селен каби 13 турдаги қимматли ва нодир металллар бор.

Давлатимиз раҳбари мазкур қонда бўлиб, қазил ишларини кўздан кечирди, мутахассислар билан мулоқот қилди.

"Ёшлик-1" қони маъданларидан юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун Олмалик кон-металлургия комбинатининг 3-мис бойи-

тиш фабрикаси барпо этилмоқда. Унинг қурилишига 2021 йил 29 июлда тамал тоши қўйилган эди.

Бу йирик лойиҳанинг қиймати 4,6 миллиард доллар бўлиб, қони қазиб, фабрика ва унинг инфратузилмасини қуришни ўз ичига олади. Ҳозирги кунда 200 миллион куб.метр қон юзаси очилган, 41 километр темир йўл ётқизилган, 650 мегаваттлик подстанция қўйилган. АҚШ, Буюк Британия, Германия, Туркия, Хитой, Россия ва бошқа Европа давлатларидан ускуналар келтирилган. Фабрика ва бошқа инфратузилмалар қурилиши жадал кетмоқда.

Президентимиз бу ердаги улкан бунёдкорлик ишлари билан атрофлича танишди. Бўлажак заводнинг иқтисодий самарадорлиги, унда қўлланиладиган илғор технологиялар, иш жараёнидаги қулайликлар ҳақида ахборот берилди.

Мазкур фабрика биринчи босқичда йилига 60 миллион тонна рудани қайта ишлаш қувватига эга бўлади. Бу орқали йилига 917 минг тонна мис ва 2,5 минг тонна молибден концентратлари ишлаб чиқарилади. 5 минг 600 кишининг бандлиги таъминланади.

Бу йирик лойиҳа турдош саноат тармоқларининг ривожланишига ҳам туртки берди. Масалан, фабрика қурилишига металл конструкциялар етказиб бериш учун 6 та завод ишга туширилди. Муҳандислик, дастурий таъминот ва касб-ҳунар таъ-

лими янги даражага чиқмоқда. Янги тураржойлар ва хизматларга талаб пайдо бўлмоқда.

Фабрикада логистика жараёни ҳам қулайлаштирилади. Унинг барча корпуслари орасида конвейерлар бўлади. Бу юк ортқиш ва ташишни бартараф этиб, харажатларни қисқартиради.

Иккинчи босқичда қувват 160 миллион тоннага етади ёки бугунги кўрсаткичдан 3 баробарга кўпаяди. Ушбу икки босқич амалга оширилиши натижасида корхона 2028 йилга бориб йилига 400 минг тонна мис, 50 тонна олтин ва 270 тонна қумуш ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Шу тариқа Олмалик комбинати тоғ-кон металлургияси соҳасида дунёдаги энг йирик саноат мажмуаларидан бирига айланади.

Халқаро баҳолаш мезонларига кўра, Олмаликда миснинг янги захираси 45 миллион тонна, олтин захираси эса 5 минг тоннадан зиёددир ташкил этиши аниқланган. Бу дунё миқёсида ҳам энг йирик ва ноёб кўрсаткичлардир.

Яна бир муҳим томони, бугун дунёда "яшил иқтисодиёт", электр техникаси, электромобиллар саноати жадал ривожланмоқда. Бунинг натижасида 2030 йилга бориб мис маҳсулотларига бўлган эҳтиёт 40 фоизга ортқиш кутилмоқда.

Яъни, Олмалик комбинати маҳсулотларига талаб узоқ йиллар давомида халқаро даражада бўлади. Келгусида комбинат ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар ҳажми 3 мартдан зиёд кўпайиб, унинг қиймати қарий 8 миллиард долларга етади. 11 мингта янги, юқори технологик иш ўринлари яратилади.

Давлатимиз раҳбари "Enter Steel" механика таъмирлаш корхонаси устaxonларига ҳам бўлиб, янги ускуналар ва иш жараёни билан танишди.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

ЗАМОНАВИЙ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИ ТАЯНЧИГА АЙЛанади

Давлатимиз раҳбари заводдаги ишлаб чиқариш жараёни билан танишди, мутахассислар билан мулоқот қилди. Корхона шоурумида тайёр маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

Шу ерда келгуси режалар ҳақида маълумот берилди.

Хусусан, 2025 йилда 1,15 миллион долларлик инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Натижада BYD, Chery, Changan, Geely, Dongfeng каби янги автомобиль брендлари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Лойиҳа самарасида 43 та янги иш ўрни яратилади, ишлаб чиқариш қувватлари 180 мингдан, 280 минг донага етказилади.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятига ташрифи чоғида Янгийул туманидаги “Тинчлик” кичик саноат зонасида бўлиб, қатор корхоналар фаолияти билан танишди.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорлик фаолияти учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда бу каби мажмуаларнинг аҳамияти катта. Мазкур саноат зонаси тўрт йил олдин ўттиз олти гектар майдонда ташкил этилган эди. Муҳандислик инфратузилмаси, ички йўллар ва бинолар қурилиб, ишлаб чиқариш учун қўлай шарт-шароитлар яратилди.

Бу ерга қурилиш материаллари, энгил саноат, озиқ-овқат тармоқларида ўн бешта лойиҳа жойлаштирилган. Шундан ўнтаси ишга туширилган. Уларда ўтган йили 295 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Жорий йил якунлари бўйича бу рақамни қарийб икки бараварга кўпайтириш мақсад қилинган. Ҳозирча бу корхоналарда 1 минг 500 дан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Барча лойиҳалар ишга тушса, бандлик яна ортади.

“Enter Steel” корхонасида металл конструкциялар, юқори босимга чидамли резервуарлар, юк кўтарувчи кранлар, бурғулаш ускуналари, пайвандлаш электродлари, металл эшик, электр қутилар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Ушбу лойиҳанинг қиймати 40 миллион доллар бўлиб, унга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар йўналтирилган. Бу ерга Хитой, Япония, Россия, Туркия, Италия, Испания, Германия ва Нидерландия каби давлатлардан ускуналар келтирилган. Бу эса маҳсулотлар сифати ва иш унумдорлиги юқори бўлишига хизмат қилмоқда.

Корхонада жами 1 минг 500 кишини иш билан таъминлаш имкони бор. Зарур мута-

хассисларни тайёрлаш учун “Амалий моно-марказ” ташкил этилган. Уқув хоналари ва лабораториялар замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Таълим дастури эса Тошкент давлат техника университети билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган.

Давлатимиз раҳбари корхонанинг иш жараёнини кўздан кечирди, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар кўргазмаси билан танишди.

Мутасаддиларга корхона маҳсулотлари зарур бўлган тармоқлар билан кооперацияни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

“Тинчлик” кичик саноат зонаси Тошкент вилояти иқтисодиётида ўзига хос ўринга эга. Бу ердаги корхоналарда маҳаллийлаштирилган, бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Аҳоли ва иқтисодиёт ўсиши билан энергия манбаларига талаб кўпаймоқда. Масалан, сўнгги тўрт йилда Тошкент вилоятида электр истеъмоли 20 фоиз ошган. Бу борадаги танқислини қоплаш мақсадида умумий қиймати 1,5 миллиард доллар, қуввати 805 мегаваттдан ортиқ бўлган 5 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Бунда “яшил” энергетика манбаларига кенг ўрин берилган. “Тинчлик” кичик саноат зонасидаги “Enter Green Solar” корхонасида бунинг учун зарур қувват панеллари ҳамда турли хил кабеллар ишлаб чиқарилди.

Давлатимиз раҳбари саноат зонасига ташрифи чоғида мазкур лойиҳа билан ҳам танишди.

– Бундай юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқараётган маҳаллий корхоналаримизни қўллаб-қувватлаб, фаолиятини кенгайтиришига янада кўпроқ шарт-шароит яратишимиз керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Умумий қиймати 7 миллион доллар бўлган мазкур корхонага Италиянинг “Eсоргогетти” компанияси ускуналари ўрнатилган. Улар асосида йилига 377 минг дона юқори сифатли қуёш панели ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Корхонанинг ўзида ҳам қуввати 125 килловатт бўлган панеллар ўрнатилган. Бу ерда 100 киши меҳнат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Янгийул туманидаги “Mesal Water Technologies” корхонасини кўздан кечирди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий дастурларда ичимлик суви ва оқова таъминоти таъминоти алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу масала тез ривожланаётган Тошкент вилояти шаҳарлари учун ҳам долзарб.

Хусусан, “Тошкент вилояти ичимлик суви ва оқова сув тизимларини реконструкция қилиш ва қуриш” лойиҳасининг 3-босқичи доирасида Чирчик, Олмалик, Ангрэн ва Бекободда бир-бирини дўлдириб келади.

“Mesal Water Technologies” корхонасида шу каби сув тизимлари иншоотлари учун ўттиздан ортиқ маҳсул қурилма ва ускуналар ишлаб чиқарилмоқда.

Лойиҳага 1,7 миллион доллар маблаг йўналтирилиб, Хитой, Германия ва Туркиядан келтирилган энергия тежамкор технологиялар ўрнатилган. Корхона халқаро сертификатларга эга. 50 киши иш билан таъминланган.

Бундай корхоналар фаолиятининг кенгайтириш аҳоли фаровонлиги ва саломатлигига ҳисса қўшиши таъкидланди.

Тошкент вилояти пойтахтга яқинлиги, юртимиз воқалари ва халқаро йўлларни бир-бирига боғлаши билан улкан иқтисодий салоҳиятга эга. Кейинги етти йилда ҳудудда қарийб 9,4 миллиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилиб, 143 мингдан ортиқ иш ўрни ва 5 миллиард долларлик экспорт имконияти яратилган.

Бу суръатни давом эттириб, 2024-2026 йиллар учун жами 26 миллиард долларлик 125 та лойиҳа режалаштирилган. Уларнинг 21 таси стратегик, 52 таси тармоқ, 52 таси ҳудуд лойиҳаларидир. Бу ташаббуслар натижада 42 мингта иш ўрни яратилиши мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбарига умумий қиймати 3,4 миллиард доллар бўлган 11 лойиҳа тақдимот қилинди.

Уларга Хитой, Жанубий Корея, Туркия, Саудия Арабистони, Россия, Озарбайжон каби мамлакатлар компаниялари ва маҳаллий тадбиркорлар инвестиция киритмоқда. Тўқимачилик, озиқ-овқат, тиббиёт, электротехника, энергетика, қурилиш материаллари, геология, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқлардаги бу лойиҳаларда 23 мингта иш ўрни яратилади.

Масалан, Зангиота туманида Жанубий Корея инвесторлари билан бираликда жигар, бўғим, кўз ва мия фаолиятини даволашда қўлланиладиган дори воситалари ишлаб чиқариш ташкил этилади. У ерда 200 кишининг бандлиги таъминланади.

Президентимиз инвесторлар учун барча шарт-шароитларни яратиш, лойиҳаларнинг ҳар бир босқичини назорат қилиб, масалаларини ҳал этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Сўнг Янгийул туманида Тошкент вилоятидаги муҳим лойиҳаларни ишга тушириш ва

қурилишини бошлаш маросими бўлиб ўтди.

Тошкент вилояти мамлакатимиз иқтисодиётида стратегик аҳамиятга эга. Бу ҳудуд ва азим пойтахтимиз салоҳияти ўзаро боғлиқ ҳамда бир-бирини дўлдириб келади.

Кейинги беш йилда Тошкент вилоятида саноат ҳажми 1,5 бараварга кўпайиб, 107 триллион сўмни ташкил этган, маҳаллий экспорт ҳажми 3,5 карра ошиб, қарийб 1 миллиард долларга етган.

Қўлай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити сармоялар ҳажминини ошириш, илғор технологияларни жорий этишга хизмат қилмоқда. 2018 йилда вилоятда жами бўлиб 20 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилган бўлса, ўтган йили бу рақам 1 миллиард долларга етган. Чет эл капитали иштирокидаги корхоналар сони ҳам йил сайин ортиб, ҳозирда 1 минг 700 тани ташкил этмоқда.

Бугунги кунда 20 миллиард 360 миллион долларлик 91 та хорижий, 4 ярим миллиард долларлик 28 та маҳаллий инвестиция лойиҳалари бўйича иш олиб борилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев маросим доирасидаги лойиҳаларнинг аҳамиятига тўхталиб ўтди.

Хусусан, Олмалик шаҳрида 1 миллиард доллар инвестиция ҳисобидан 227 гектар майдонда “Буюк Ипак йўли” махсус саноат технопарки қурилади. У ерда электротехника, тўқимачилик, қурилиш материаллари, фармацевтика каби йўналишларда 100 га яқин корхона жойлаштирилади. 3 мингта янги иш ўрни яратилиб, йилига 5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва 300 миллион долларлик экспорт имконияти пайдо бўлади.

Юқори Чирчиқ туманида 350 миллион доллар эвазига 69 гектар майдонда тўқимачилик саноат парки ташкил этилади. Бу мажмуада 20 дан ортиқ ип-кавала, мато тўқиш ва бўяш, тайёр текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари жойлаштирилади.

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилиш изчил қўлайиб бормоқда. 2030 йилгача озиқ-овқат ишлаб чиқариши 2 баробар, экспортини 5 баробар ва қўшилган қиймат даражасини 3 марта ошириш мақсад қилинган. Бунга эришишда, ҳеч шубҳасиз, Тошкент вилоятининг ҳиссаси катта.

Жумладан, Янгийул туманида йилига 50 минг тонна минерал ўғит ва кимёвий воситалар, Қўрайда юқори сифатли экспортбоп озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш корхоналари ишга туширилмоқда.

Тошкент вилояти энергетика соҳаси ҳам катта салоҳиятга эга бўлиб, бу ерда 5,7 гига-

ваттлик қувватлар мавжуд. Бу миқдорни ошириш мақсадида 1,5 миллиард долларлик 800 мегаваттдан ортиқ 6 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Яшил энергетикани ривожлантириш билан бирга, юртимизда энергетика тизими барқарорлигини сақлаш бўйича ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Шунинг учун 2030 йилгача умумий қуввати 4 минг 100 мегаваттлик электр энергиясини сақлаш тизимларини барпо этиш режалаштирилган.

Хитойнинг етакчи компаниялари иштирокида 3 минг этиладиган 3 та лойиҳа бунда муҳим ўрин тутди. Аввало, “China Datang” компанияси билан Бўка туманида қиймати 240 миллион долларлик қуёш электр станцияси барпо этилади. Бу станцияда йилига 576 миллион килловат соат ёки 240 минг хонадон учун етарли электр энергияси олинади. Натижада вилоятда генерация қувватлари 6,5 гигаваттга, электр энергияси ишлаб чиқариш йилига 24 миллиард килловат соатга етказилади.

Яна иккита лойиҳа – “China Energy Overseas Investment” компанияси билан ҳамкорликда Паркент ва Пискент туманларида қуриладиган 220 миллион долларлик, 200 мегаваттлик энергия сақлаш тизимларидир. Улар куннинг тигиз пайтларида узилишга йўл қўймаслиги ва истеъмолчиларни электр билан ишончли таъминлаш имконини беради.

Сўнгги йилларда юртимизда 630 миллион доллар инвестиция ҳисобидан 400 мегаваттдан ортиқ янги гидроэлектр станциялари барпо этилиб, уларнинг қуввати 2,2 гигаваттга етказилди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, юртимизда 3 минг 280 мегаватт қувватга эга бўлган 44 та ГЭС қуриш имконияти мавжуд. Айниқса, Тошкент вилоятида гидроэнергетика бўйича жуда катта салоҳият бор.

Ҳозирда вилоятда умумий қуввати 1 минг 330 мегаватт бўлган 25 та гидроэлектр станцияси мавжуд. Бу республикамиздаги жами гидроэнергетика қувватининг 60 фоизига тенгдир.

Бугунги кунда қиймати 880 миллион доллар ва қуввати 340 мегаватт бўлган яна 4 та ГЭС қурилмоқда. Шунингдек, 2028 йилгача вилоятда умумий қуввати қарийб 2 минг 400 мегаватт бўлган, 4 миллиард 800 миллион долларлик 23 та лойиҳа амалга оширилади.

Маросимда шундан иккитаси – Оҳангарон туманида барпо этилган 2,5 мегаваттлик кичик ГЭС ҳамда Бўстонлик туманида қурилган 1,5 мегаваттлик Уғам кичик ГЭСи ишга туширилмоқда. Мазкур қувватлар йилига 18 миллион 400 минг килловат соат “яшил” энергия ишлаб чиқаради ва 7 минг 600 та хонадонни электр энергияси билан таъминлайди.

Шавкат Мирзиёев юртимизга инвестиция киритаётган хорижий компанияларга миннатдорлик билдириб, ишларига муваффақият тилади.

Рамзий тугма босилиб, мазкур 9 та лойиҳанинг қурилиши ва фаолиятига старт берилди. Уларнинг умумий қиймати 2 миллиард доллардир.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ИЗЧИЛ ЎСИШ, ЗАМОН БИЛАН ИЛДАМЛАШ ЙЎЛИДАН БОРАДИ

Бугун 350 киши меҳнат қилаётган бу корхона томонидан энгил ва оғир саноат, хусусан, тоғ-қон, газ-кимё йўналишидаги ишлаб чиқариш объектлари асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар етказиб берилди. Ишлаб чиқарилаётган балка, устун, эстакада, электр токи узатиш таянчлари, сув миноралари, ёритиш устунлари, GSM антенна мачталари каби металлконструкция маҳсулотлари, юқори босимга чидамли резервуарлар, бурғулаш ускуналари, электр қутиларга талаб юқори.

Бу ерга Хитой, Италия, Германия каби давлатлардан энг замонавий ускуналар келтирилгани маҳсулотлар сифати ва иш унумдорлиги юқори бўлишига хизмат қилмоқда.

Айни пайтда мазкур корхона 3-мис бойитиш фабрикаси учун ҳам зарур бўлган ускуналарга эҳтиёт қисмлар етказиб бермоқда.

Давлатимиз раҳбари заводдаги ишлаб чиқариш жараёни ва тайёрланаётган маҳсулотларни кўздан кечирди. Ишчи-ҳодимлар билан мулоқот қилди. Саноат ривожланаётган ҳудудларда бу каби лойиҳаларни рағбатлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Сўнг Олмалик шаҳрида Тошкент вилояти ривожининг ҳозирги ҳолати ва келгуси вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудуддаги иқтисодий-ижтимоий натижаларни атрофлича таҳлил қилиб, қўшимча имкониятларни кўрсатиб ўтди.

Сўнгги етти йилда Тошкент вилоятида ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Худуд иқтисодиёти 1,5 бараварга ўсиб, ўтган йили 119 триллион сўмлик қўшилган қиймат яратилди, тадбиркорлар 16 мингтага кўпайиб, 170 минг доимий иш ўрни очилди. 6 миллиард долларлик 826 та янги саноат корхонаси ишга тушди, 5 миллиард долларлик экспорт бўлди. Буларнинг натижасида ўтган тўрт йилда 70 минг, бу йилнинг ўзида 19 минг оила камбағалликдан чиқарилди.

Тошкент вилояти туман ва шаҳарлар сони бўйича республикада биринчи ўринда туради. Худуддаги давлат идораларида салкам 10 минг ходим ишлайди. 1 минг 25 та маҳаллада 6 минг 123 нафар “маҳалла еттиллиги” бор. Бу ички имкониятларни ишга солиб, шаҳаро кишлоқларни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш учун етарли куч экани таъкидланди.

Шундай манзилли ўрганишлар натижасида қўшимча 13 миллиард доллар инвестиция, 500 минг иш ўрни,

бюджетга 3,5 триллион сўм тушум қилиш имкониятлари аниқланган. Бу имкониятларни натижага айлантириш учун 22 та туман-шаҳарнинг ҳар бири бўйича ҳукуматнинг алоҳида қарорлари чиқиши айтилди.

Вилоятда тадбиркорлик қилишга иштиёқ кундан-кун ошаётган. Пойтахтдаги корхоналар ҳам инфратузилма яқинлиги, ер, мулк солиғи, ишчи қучи арзонлиги учун Тошкент вилоятидан жой қидираяпти. Шу боис Тошкент, Қўрай, Зангиота, Юқори Чирчиқ, Урта Чирчиқ туманлари, Чирчиқ ва Нурафшон шаҳарлари пойтахт туманлари билан ҳамоҳанг ривожланиши кераклиги таъкидланди.

Масалан, Тошкент туманида 97 гектарда индустриал технопарк ташкил қилинади. Унда тадбиркорлар ва банклар иштирокида 350 миллион долларлик юқори қўшилган қийматли лойиҳалар жойлаштирилади. Шунингдек, туманда кўп қаватли уйлар, янги санаторийлар, спорт ва кўнглинчар масканлар қуриш имконияти бор.

Ангрэн, Олмалик, Оҳангарон шаҳарлари, Пискент ва Оҳангарон туманларининг вилоят саноатидаги улуши 50 фоизни ташкил қилади. Улар ёнма-ён жойлашган бўлиб, хом ашё захирасига жуда бой. Шу боис бу шаҳар ва туманларда ишлаб чиқаришни кооперация ва кластер асосида ташкил этиш учун мутлақо янги тизим – “саноат учбурчаги” дастури амалга оширилиши айтилди.

Ушбу ҳудудда 1 минг 100 та корхона ишляпти. Янги лойиҳалар ҳисобига 2-3 йилда улар 1,5 мингга етади. Бу кооперация натижасида транспорт харажати ҳам, таннархи ҳам камаяди.

Масалан, Олмалик комбинати йилига 9 триллион сўмлик маҳсулот харид қилаяпти. Бу – атрофда жойлашган 5 та шаҳар ва туман учун катта имконият экани кўрсатиб ўтилди.

Умуман, йил якунигача хорижий инвестициялар ҳажми 2 миллиард долларга ва экспортни 1,5 миллиард долларга етказиши, 661 та лойиҳани яқунлаб, 30 минг янги иш ўрни яратиш мумкинлиги қайд этилди.

Машинасозлик соҳасидаги талабни тўлиқ таҳлил қилиб, маҳаллийлаштиришни кенгайтириш ҳамда йирик корхоналар билан кооперациясини кучайтириш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Тошкент вилоятида ер ва сув мўл. Лекин 1 гектардан ўртача даромад бошқа вилоятларга нисбатан кам. Сўнгги уч йилда вилоятдаги 21 минг гектар ер деҳқончилик учун 57 минг аҳолига берилган.

Мева-сабзавот экспорти ҳам ўтган йилгича бўлмаган. 2 минг 200 гектар самарасиз боғ ва тоқор ҳисобига йилига 10 миллион доллар экспорт йўқотиляпти. Сув тежовчи технология бўйича Тошкент вилояти энг охири ўринларда.

Шу каби камчиликлар сабабли вилоят ҳокимининг қишлоқ ҳўжалиги бўйича ўринбосари вазифасидан озод этилди.

Боғдорчилик бўйича янги тизим асосида Оҳангарон ва Бўстонликдаги тоғонли ерларда малина ва голубика плантацияси, Паркент ва Оҳангаронда узум ва гилоб боғлари ташкил қилиниши айтилди. Ангрэнда анор шарбати ишлаб чиқариш, Оҳангарон туманида олхўрини қайта ишлаш йўлга қўйилди. Бу йил ҳам Тошкент вилоятидаги оилаларга деҳқончилик ва боғдорчилик учун қўшимча 5 минг гектар ер берилди.

Умуман, вилоятни боғдорчиликда намунали ҳудуд қилиб, экспортни 300 миллион долларга етказиш бўйича кўрсатма берилди.

Йиғилишда камбағалликни қисқартириш масалалари ҳам таҳлил қилинди.

Бугунги кунда Тошкент вилоятида 63 мингта камбағал оила қолган бўлиб, уларнинг 190 минг нафар аъзолари меҳнатга лаёқатли. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида келаси йили вилоятда 116 минг аҳолини камбағалликдан олиб чиқиш режалаштирилган.

Лекин бу етарли эмас. Масалан, Тошкент вилояти кичик бизнес орқали аҳолини ишли қилиш бўйича республикада энг охири ўринда. Вилоят саноатининг атиги 25 фоизи кичик бизнесга тўғри келади. Шу боис тадбиркорликни ривожлантириб, аҳолига даромад манбаи яратиш бўйича топириқлар берилди.

Бунинг учун бир йил ичида “Сайхунобод” тажрибаси асосида 27 минг, “Зарбдор” тажрибаси асосида 8,5 минг, “Уйчи” тажрибаси асосида 39 минг, “Ғиждувон” тажрибаси асосида 10 минг камбағал аҳолини банд қилиш вазифаси белгиланди.

Кичик тадбиркорлик лойиҳалари учун ажратиладиган 1 триллион сўм имтиёзли кредит ва 32 миллиард сўм субсидиялар натижасида 30 минг аҳоли тадбиркорликка жалб қилинади.

Кейинги пайтларда Тошкент вилоятидан хорижга арзон ишларга кетувчилар 30 мингга камайган. Лекин ҳали 158 минг киши чет элда меҳнат қилаётгани қайд этилди.

Энди Миграция агентлиги фаолияти тақомиллаштирилиб, аҳолини хавфсиз ва юқори даромадли иш билан

таъминлаш бўйича янги ёндашувлар жорий этилади. Чет элда мавсумий ишлаб қайтган ва яна кетиш истагида бўлган кишиларга юқори даромадли касблар ўргатилади. Касб-хунари борлар хорижий тилларга ўқитилади.

Гўзал табиати, қўлай инфратузилмаси бор Тошкент вилоятида туризм салоҳияти юқори. Лекин тақлифга нисбатан талаб кўп бўлгани сабабли нархлар қиммат. Туризм масканларини кўпайтириб, хизматлар ҳажминини 2 карра ошириш, 10 миллион сайёҳни жалб қилиш имконияти борлиги қайд этилди. Мутасаддиларга келгуси йил учун 1,5 миллиард долларлик лойиҳаларни шакллантириш топширилди.

Йиғилишда қиш мавсумига тайёргарлик, энергия истеъмоли масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Йирик корхоналарда энергия сарфи юқори ускуналарни тежамкорига алмаштириш, маҳаллаларни иссиқлик билан таъминлаш бўйича топириқлар берилди.

Тошкент вилояти, шаҳар ва туман ҳокимлари, тармоқ раҳбарлари йиғилишдан хулосалар ва келгуси режалари юзасидан ахборот берди. Давлатимиз раҳбари аҳоли вакиллари билан самимий мулоқот қилди.

Шу кун Президент Шавкат Мирзиёев Олмалик конметаллургия комбинати фаолияти ва янги инвестиция лойиҳалари билан ҳам танишди.

Иқтисодий ислохотлар барча тармоқларда ўз натижасини кўрсатмоқда. Сўнгги олти йилда Олмалик комбинатида саноат маҳсулоти 1,8 баравар, маҳаллийлаштириш 7,7 баравар, инвестиция 13 баравар ошган. “Рақамли ОКМК – 2030” стратегияси доирасида 70 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилган.

Айни пайтда янги мажмуалар қурилиб, мавжуд қувватлар оширилаётди. Комбинатнинг 75 йиллик тарихи давомида 2 та фабрика барпо этилган бўлса, эндиликда янги қувватларни барпо этиш жараёни тезлашди. 2021 йилда “Ёшлик-1” қони негизда 3-мис бойитиш фабрикаси қурилиши бошланган эди. Энди бу лойиҳанинг иккинчи босқичи доирасида 4-мис бойитиш фабрикаси ҳаётга кўчмоқда.

Давлатимиз раҳбари рамзий тугмани босиб, ушбу янги завод қурилишини бошлаб берди.

Қиймати 5,3 миллиард долларлик бу лойиҳа орқали йилига 146 минг тонна катодий мис, 13 тонна олтин ва 73 тонна кумуш олиш қувватлари яратилади. Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 1,9 миллиард долларга етади. Фабрика ва унинг инфратузилмаларида 3 мингдан ортиқ киши ишлайди.

Лойиҳага Италиянинг “Wood” ҳамда Буюк Британиянинг “Worley Parsons” компаниялари жалб қилинган. Ишлаб чиқаришда юқори технологик, экологик хавфсиз ва тежамкор технологиялар қўлланиши белгиланган.

ЯНГИЛИККА АСОСЛАНГАН ЛИБЕРАЛ ҒОЯЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Мамлакатимизда кейинги саккиз йилда Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини мустаҳкамлаш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Энг муҳими, Инсон ва унинг қадри юксалди. Бугунги кунда миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим ва ажралмас бўғинига айланган, кучли иқтисодийга эга бўлган давлатни барпо этиш бўйича қўламини кенг ислохотлар изчил давом этмоқда.

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг сайловолди дастурида мамлакатнинг барқарор тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлаш учун адолатли ва замонавий давлат барпо этиш, аҳоли учун қўлай атроф-муҳит яратиш, шунингдек, ташқи сиёсатда иқтисодий дипломатияни кучайтириш муҳим йўналишлар сифатида белгиланган. Адолатли бошқарув тизими фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилса, қўлай атроф-муҳит эса уларнинг ҳаёт сифатини оширади.

ХАЛҚ ХИЗМАТИДАГИ АДОЛАТЛИ ВА ЗАМОНАВИЙ ДАВЛАТНИ БАРПО ЭТАМИЗ

Авалламбор, инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш барча давлат органлари фаолиятининг энг устувор йўналиши бўлиши керак, деган қатъий тамойилга таяниш — асосий вазифамиз бўлади.

Биз бюджет ташкилотлари харажатларининг шаффофлигини таъминлашда парламент ва маҳаллий Кенгашлар олдидаги ижроия органлари ҳисобдорлигини кучайтириш тарафдоримиз. Маҳаллий Кенгашни халқнинг чинакам овозига айлантириш ва ҳокимларнинг Кенгаш олдида ҳисобдор бўлиши, масъулияти ва жавобгарлиги ошишини таъминлайдиган тизимни мустаҳкамлаймиз. Шунингдек, ҳоким ва маҳаллий Кенгашнинг жавобгарлик доираси ва аниқ вазифалари белгиланади. Маҳаллий кенгашлар фаолиятига оид 500 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари тизимлаштирилди.

ЎзЛиДеП суд мустақиллиги тарафдори бўлган сиёсий куч сифатида мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган изчил ислохотларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Лекин, айрим партиялар томонидан айни йўналишда илгари сурилаётган тақлифлар мақсадга етишни орта суриши мумкин. Масалан, Халқ демократик партияси ўртага ташлаётган вилоят, туман (шаҳар) судлари раисларини ротация қилиш амалиётини жорий этиш ташаббуси судлар мустақиллигига бевосита таъсир қилади. Яъни, мамлакатимизда нафақат судлар, балки судьялар ҳам мустақилдир. Уларнинг ротациясини амалга ошириш янги тахрирдagi Конституциямада белгиланган судьялар мустақиллиги, фақат Конституция ва қонунга бўйсунушиларига оид нормага мантаниқ тўғри келмайди. Судья мустақил бўла туриб, вилоят, туман (шаҳар) судлари раисларини ротация қилишда қандай маъно бор? Улар фақат Конституция ва қонунга бўйсундилар.

Биз илгор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, қонунчиликни қўллашда муайян суд иши бўйича чиқарилган суд ҳужжати бошқа шу турдаги ишларга қўллаш имконини берувчи "суд прецеденти ҳуқуқи"ни амалиётга жорий этиш аниқ мудоа, деб ҳисоблаймиз.

Биз мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янги босқичга олиб чиқмоқчи бўлсак, суд прецедентини тезроқ амалда қўллашимиз лозим. Бунинг вақти келди.

Яна бир жиддий вазифа Адвокатлар палатасининг адвокатларни ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолиятини такомиллаштиришдан иборат. Адвокатлар рейтингини жорий қилиш орқали адвокатлик тизимида рақобат муҳити ривожлантирилади, салоҳиятли адвокатлар кўпаяди.

Умуман олганда, ЎзЛиДеП баъзи партиялардан фарқли равишда адвокатура тизимини такомиллаштириш бўйича аниқ тақлифларни илгари сурумоқда. Мисол учун, "Адолат" социал-демократик партияси "адвокатура институтини янада такомиллаштириш" каби умумий тақлифлар атрофида айланиб юрган вақтда партиямиз ўз аъёнларига содиқ қолган ҳолда барча соҳалар сингари адвокатура соҳасида ҳам тизимли ва аниқ тақлифлар билан сиёсий майдонда чиқмоқда.

Партия коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ муҳим ташаббусларни ҳам илгари суради. Яъни, коррупцияга қарши курашиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган Миллий стратегияни қабул қиламиз.

АҲОЛИГА ҚўЛАЙ АТРОФ-МУҲИТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТАМИЗ

Конституциямизда Ўзбекистон экологик тараққиёт стратегиясининг асосий қоидалари, бунга доир талаблари белгиланган бўлиб, ушбу сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича энг муҳим ва асосий қоидаларни белгилай беради.

Хусусан, мамлакат миқёсида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида юртимизда 1 миллиард туп кўчат экилади, Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектар майдонда ўрмонлар барпо этилди.

Мамлакатимизда кейинги олти йилда сув тежовчи технологиялар жорий қилинган майдонлар 700 минг гектардан ошди. Ўзбекистонда "яшил иқтисодиёт"га ўтиш бўйича ҳам муҳим қадамлар ташланди.

Аҳолига қўлай атроф-муҳит шароитларини яратиш нўқтай назаридан ЎзЛиДеП бир қатор масалаларни ўз сайловолди дастуридан устувор йўналиши этиб белгиланган.



О'ZLIDER

Бу борада сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида сув ҳўжалигида давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг асосларини жорий этиш даркор. Чунки сув ресурслари муаммоси келгуси ун йилликларда минтақамиз ва мамлакатимиз учун энг долзарб масала бўлиб қолади.

Бугунги кунда 70 фоиз ерлар эски усулда суғорилмоқда, 60 фоиз каналлар бетонланмагани оқибатида йилига 16 миллиард метр куб сув йўқотилмоқда. Шу сабабли беш йил ичида барча экин майдонларида сув тежайдиган технологияларни жорий қилган фермер ва деҳқонлар харажати-нинг 50 фоизини қўллаб бериш аниқ мудоадоир.

Бундан ташқари, экология соҳасидаги ишларни ташкил этиш борасида ҳуқуқий ва ташкилий асослар замон талабидан келиб чиқиб такомиллаштирилиши зарур деб ҳисоблаймиз ва барча ҳудудларда, атмосфера ҳавосини яхшилаш бўйича "Мусаффо ҳаво — 2030 миллий дастури"ни қабул қилишни устувор вазифа деб биламиз.

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси камровини янада ошириш учун йилига 400 миллиард сўм ажратилиши аҳоли масканларида экологик муҳитни яхшилашга хизмат қилади. Шу маънода давлат идоралари, корхоналар, олий таълим муассасалари ҳам ўз боғларини ташкил қилиши, янги уй-жой қуришда пудратчиларга "яшил ҳудуд" ва автотураргоҳ барпо этиш мажбурий этиб белгиланиши зарур, деб ҳисоблаймиз. Мамлакатимизда яшил майдонлар, дарахторлар, гулзорларни 30 фоизга етказишга алоҳида эътибор қаратамиз. Шаҳарлар ҳамда уларнинг атрофларида "яшил белбоғ"лар барпо этиш чораларини кўраимиз.

ИҚТИСОДИЙ ДИПЛОМАТИЯ ОЧИҚ, ЎЗАРО МАНФААТЛИ ВА КОНСТРУКТИВ ТАШҚИ СИЁСАТ ГАРОВИ

Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари бошчилигида барча соҳаларда узоқ ва яқин давлатлар билан дўстлик алоқалари ва ўзаро ҳамкорлик йилдан-йилга мустаҳкамлашиб бормоқда. Буни кун сайин кўпайиб бораётган чет эл капиталли вазига қурилаётган қўшма корхоналар, илм-фан, маданият, санъат, туризм соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларидан ҳам сезиш қийин эмас.

Партиямиз Янги Ўзбекистон ташқи сиёсати фақат халқимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда олиб борилиши зарур, деган қатъий позицияда.

Биз узоқ ва яқин давлатлар, халқаро ташкилотлар билан алоқалар ва ҳамкорликни ана шу тамойил асосида ривожлантириш тарафдоримиз.

Биз очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат давом эттирилишига ҳайрхоҳимиз.

Партия ташқи сиёсатда қўшни давлатлар билан яхши қўшнчилик ва стратегик шериклик муносабатлари жадал ривожлантирилишида барча имкониятларини ишга солади.

Партия инвестиция ва инновацияларни кенг жалб қилиш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш ва Ўзбекистон иммигрант фаол тарғиб этиш барча дипломатик ваколатхоналаримизнинг асосий вазифасига айланиши керак, деб ҳисоблайди.

ЎзЛиДеП сайловолди дастурида хориждаги ватандошларимиз билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва мигрантлар ҳуқуқларини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, хориждаги ватандошларимизни қўллаб-қувватлаб, уларнинг юртимиз тараққиётида фаол иштирок этишлари учун зарур шароитларни яратамиз. Улар ўртасида она тили, миллий маданият ва аъёнларни тарғиб этиш бўйича тизимли чоралар кўраимиз.

Ташқи меҳнат миграцияси тизимини ислох қилиб, хорижда ишлаш учун бораётган фуқароларимизни касбга ва чет тилларига ўқитиш кўламини кенгайтираимиз. Хорижда ишлаб юрган юртдошларимиз учун аввало Ўзбекистонда ишлаб, муносиб иш ҳақи олишлари учун имконият яратамиз.

Мурақаб вазиётга тушиб қолган юртдошларимизга ҳуқуқий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштирамиз. Шунингдек, меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларига доимий гамхўрлик қилиш ва ижтимоий сўғурта тизимини такомиллаштириш бўйича чоралар кўраимиз.

ЎзЛиДеП — Ватан равнақи йўлидан ортага қайтмайди. Бу борадаги синов ва машаққатларни электротар манфаати учун энг би ўтади ҳамда ҳамиша халқ билан бирга бўлади!

Дилором ФАЙЗИЕВА,
Дилмурод АРТИКОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутатлигига номзодлар

Парламент ва маҳаллий кенгашларга ўтказилаётган навбатдаги сайловларда биз "Қудратли давлатга таянган, қонунлари миллий ва умуминсоний қадриятларга уйғун, инсон қадри балан, фаровон жамият қуриш" вазифасини бош мақсадимиз, "Қадриятларга таянган тараққиёт" ғоясини бош шиоримиз деб белгиладик.

МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР — МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ВА МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ АСОСИ

Биз учун "Қадриятларга таянган тараққиёт" шиори миллий-маданий қадриятлар ҳамда замонавий тараққиётнинг уйғунлигида жонанжон Ўзбекистонимизни қудратли давлат, халқимизни фаровон бўлиш йўлида бирлаштирувчи даъватдир.

Сайловолди дастурининг барча бўлимларида қадриятларимизни тиклашга, уларни ривожлантиришга доир аниқ мақсад ва вазифалар белгиланиб, дастурининг иккинчи йўналиши "Маънавий юксалиш ва маданиятни ривожлантириш" деб номланиб, 3 та бўлим, 26 вазифадан иборат.

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ ВА МАЪНАВИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ҚАДРИЯТЛАРНИ АСРАШ, БОЙИТИШ — АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИМИЗДАН БИРИ

Бугун партия ҳар бир ватандошимизни ўз она юртига мансублигини англаштириш учун, миллий қадриятлар замиридаги бунёдкор ғоялар билан халқни қуроллантириш учун ва энг муҳими, дунёнинг қайси бурчада бўлишимиздан қатъи назар "Биз биримиз, Ўзбекистонликимиз", деган ғоя атрофида бирлашишга қақиради.

Партия сайловолди дастурида инсон салоҳиятининг рўёбга чиқишида унинг маънавий дунёси, маданий дунё-қарши муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган ҳолда, китобхоналикни оммалаштириш, театр, кино ва санъатнинг бошқа соҳаларини тарғиб қилиш орқали жамият ва ҳар бир шахс маънавияти ва маданий савиясини ошириш мақсадида қуйидагиларни тақдиф этади:

— маданий маърифий соҳада ҳокимлар масъулиятини ошириш;

— театр санъатини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;

— миллий сериаллар ишлаб чиқариш концепциясини яратиш;

— болалар адабиёти, мусиқаси, қўшиқлари, санъати, киноси, мультфильмларини яратиш, нашрлари фаолиятини ривожлантириш;

— миллий ва ўзга рамзлар, тимсол (символ)лардан фойдаланиш тартибларини такомиллаштириш;

— қадимий асарлар ва қўлёзмаларни тадқиқ этиш, нашр қилишни янада кўпайтириш;

— қадриятларни тоифалаштириш, тикланишга муҳтож, барқарор сақланиши зарур қадриятлар рўйхатини тузиш, оммалаштириш ва бошқалар.

Юқорида қайд этилган вазифалар миллий қадриятлар тарғиботи воситаларининг деярли барчасини қамраб олгани билан аҳамиятлидир.

Фикримизни миллий қадриятимиз бўлган мутолаа маданиятининг пойдевори саналган болалар адабиётининг ривожини йўлидаги айрим ҳолатлар борасидаги қузатувларимиз мисолида давом эттирсак. Негаки, ўзликни англаш интеллектуал жараёнидир. Интеллектуал қобилиятнинг ривожланиши эса китоб мутолааси билан бевосита боғлиқ саналади.

Мазкур масала юзасидан партиямиз томонидан депутатлик гуруҳлари иштирокида ўтказилган назорат-таҳлил ишлари давомида мамлакатимизда аҳолига хизмат кўрсатувчи айрим ахборот-қутубхона фондларини янгилашга реал эҳтиёжлар борлиги аниқланган.

Бу борада, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тасарруфидagi ахборот-қутубхона марказларининг таъминотини кучайтириш, кутубхоналар биносини қуриш ва қайта таъмирлаш ишларига ҳам аҳамият бериш муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, сайловолди дастурда қадриятларни тоифалаштириш, тикланишга муҳтож, барқарор сақланиши зарур қадриятлар рўйхатини тузиш, оммалаштириш вазифаси ҳам ўрин олган. Ўтган сайловларда миллий қадрият ва аъёнларимизни тўлиқ хатловдан ўтказиш асосида ислох этиш, уларни "йўқолиб бораётган, айни пайтда тикланишга муҳтож миллий қадрият ва аъёнлар", "миллий қадрият ва аъёнларимизга зид, айни пайтда оммалашган аъёнлар", "барқарор сақланиши лозим бўлган миллий қадрият ва аъёнлар" каби туркумларга ажратиш вазифаси бор эди.

Бу гагли сайловолди дастурида ушбу масалани яна киритдик. Негаки, мазкур долзарб масала эртага ўзбекистонликнинг маънавий қиёфаси қандай бўлади, деган саволни олдимизга қўндаланг қўяди. Бу савол ўзликни англашнинг марказида туради. Ҳар қандай ривожланган мамлакатда бу саволга ўзининг жавоби бор. Бизнинг ўсиш нўқтамизни бизнинг қадриятларимиз белгилаб бериши зарур.

МАДАНИЙ МЕРОС МУҲОФАЗАСИ, УНДАН Фойдаланиш, ташкилий-ҳуқуқий асосларини ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ДИҚҚАТ МАРКАЗИМИЗДА

Ҳар бир мамлакат ўз тарихи ва бой ўтмиши билан тирик ва барҳаёт. Ўзбекистон ҳам уч минг йиллик тарихи билан неча асрлардан бун дунё ахлини ҳайратга солиб келмоқда. Юртимиздаги тарихий-меъморий обидалар аждодларимизнинг тенгсиз ақлу заковати, аниқ фанлар борасидаги бой тажрибасидан дарак бермоқда. Айни ана шу моддий-маданий меросни асраб-авайлаш, уни келгуси авлодга бус-бутун етказиш эса ҳам қарз, ҳам фарздор.

Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдagi Конституциясининг 61-моддасида ҳам: "Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий меросини асраб-авайлаш шарт. Тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий мерос давлат томонидан муҳофаза қилинади", деб белгиланган.



"MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

Маълумотларга қўра, бугунги кунда мамлакатимизда 8 210 та моддий маданий мероснинг кўчмас мўлк объекти давлат муҳофазасига олинган бўлиб, шундан 4 788 таси археология, 2 265 таси архитектура, 625 таси монументал санъат асарлари, 530 та диққатга сазовор жойлар давлат муҳофазасига олинган. Ўзбекистон Бухоро, Самарқанд, Хива, Шахрисабз, Термиз каби жаҳоир музей шаҳарларга эга бўлса-да, аммо улардаги маданий объектларга эътибор ва улардан самарали фойдаланиш айтарли даражада эмас.

Айнан шу сабабли, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси маданий мерос объектларини ижарага бериш тизимини тартибга солиш тарафдори бўлиб майдонга чиқмоқда. Партиянинг маданий мерос объектларини ижарага бериш тизимини тартибга солишга бўлган позицияси партиянинг миллийлик ва миллий қадриятларни ҳимоя қилишга бўлган қатъий интилишини кўрсатади.

Партия ўзининг мақсадларини, хусусан, маданий ва тарихий ёдгорликларни сақлаш, миллий меросни муҳофаза қилиш орқали ўзлигини ва шонли тарихини асрашни устувор вазифа сифатида белгилайди. Бу ташаббус орқали улар маданий ёдгорликлардан тижорат мақсадларида фойдаланишининг олдини олишга, уларни миллий бойлик сифатида бутунлигича сақлаб қолишга ҳаракат қилаётганликларини кўрсатади.

Юқоридагилар билан бир қаторда, партия мазкур йўналишда рўйхатга олинмаган маданий мерос объектларини аниқлаш, давлат муҳофазасига олиш, йўқолиб кетиши ёки бузилишининг олдини олувчи қонунчилик ташаббусларини илгари суриш, археология ёдгорликларини очик осмон остидаги музейга айлантириш, маданий мерос объектларини рўйхатга олиш, сақлаш ва фойдаланиш тартибини такомиллаштириш, хорижда сақланаётган қадимий қўлёзма, китоблар ва бошқа осориётларимизнинг асли ёки нусхасини мамлакатимизга қайтариш ҳамда маданий, табиий ва бошқа мерос объектларини ЮНЕСКО рўйхатларига киритиш тақлифларини илгари сурумоқда.

ПАРТИЯМИЗ ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИНИ ОШИРИШ, МАМЛАКАТИМИЗ ВА ХОРИЖДА КЕНГ ТАРҒИБ ЭТИШГА УСТУВОР ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА ҚАРАЙДИ

Тил миллатнинг маданияти, тарихи ва ўзлигини сақлаб қолишда ҳал қилувчи омиллардан биридир. Миллат ўз тилидан узоқлашса, маданий қадриятларидан ҳам узоқлашиши мумкин, бу эса миллатнинг йўқолишига олиб келади. Ўзбек тилининг қонуни, илм-фан ва технология соҳаларида тўлиқ қўлланилишига эришиш шунинг учун жуда муҳим. Миллий ўзлигини сақлашда ҳам тил беқисс аҳамият касб этиб, у нафақат мулоқот воситаси, балки миллатнинг фикрлаш тарзи, илм-фан ва технология тараққиётини акс эттирадиган восита ҳам ҳисобланади.

Хусусан, партия Ўзбекистонда "Давлат тили ҳақида"ги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Илм-фан, техника шиддат билан ривожланаётган даврда тилимиз софлигини сақлаш, жойларга ном танлашда маънавийтимиз ва менталитетимизга хос ва мос, турли соҳалар орқали тилимизга кириб келаётган янги атамаларни ўзбекча мўқобилларини яратишга ҳамда ижтимоий ҳаётимизда давлат тили, маънавий қадриятларимиз билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда барча бирдек масъул бўлади.

Шу боис, партиянинг давлат тилига доир ҳужжатларни ислох қилиш бўйича Давлат комиссиясини ташкил этиш, "Давлат тили ҳақида"ги Қонунни янги тахрирда қабул қилиш ҳақидаги ташаббуслари ҳам долзарб аҳамият касб этиб, давлат тили нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда миллий уйғоғи даврининг навбатдаги босқичи бошланди. Бу жараёнда эса, партия ғоя ва мақсадларидан келиб чиқсак, маънавий юксалиш ва маданиятни ривожлантириш масаласи ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу борада, қадриятларни сақлаш, бойитиш, маданий мерос муҳофазаси ҳамда давлат тили мақомини ошириш партиянинг кейинги фаолиятида ҳам энг муҳим устувор йўналишлар бўлади. Партия томонидан тақдиф этилаётган ташаббуслар халқимизнинг бой маданияти, маънавий ва маданий мероси ҳамда давлат тили нуфузининг янада ошишига хизмат қилиб, мамлакатимизни "Қадриятларга таянган тараққиёт" ғояси асосида янада ривожлантириш имконини беради.

Зухра МИРҒАЗИЕВА,
Руслан ЖУМАМУРАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутатлигига номзод

Номзодларимизга овоз беринг!

Миллий юксалиш учун "Миллий тикланиш" демократик партияси ва унинг номзодларига овоз беринг!

ЧАРОҒОНЛИК ҲАМ

ФАРОВОНЛИКДИР

Бугун мамлакатимизда ҳар жабҳада ўзгариш, ривожланиш кўзга ташланмоқда. Албатта, бу Президентимиз томонидан барча соҳаларга қаратилган эътибор натижасидир. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг “2024 йилда Маҳаллалар инфратузилмасини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори асосида электр тармоқлари тизимини такомиллаштириш бўйича республика бўйлаб қатор янгиланишлар амалга оширилмоқда.



Равшан РАУПХУЖАЕВ,
“Тошкент ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти директори

лар босқичма-босқич вилоятимизнинг барча ҳудудларида олиб борилиши кўзда тутилган.

Умуман олганда, жорий йилги куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида 2024 йилги мукаммал таъмирлаш режасига нисбатан 951 донна трансформатор пунктлари ҳамда қарийб 2 минг 810 км. узунликдаги 0,4-110 кВт. электр узатиш тармоқларида мукаммал таъмирлаш ишлари тўлиқ бажарилди. Шунингдек, қарийб 77,1 км. узунликдаги электр узатиш тармоқларида янги СИП кабелларини монтажлаш ишлари якунланди. Режага кўра, мазкур ишлар ўз ниҳоясига етгач, 44 минг нафар аҳолининг электр таъминоти яхшиланишига эришилди.

Бундан ташқари, куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш мақсадида 106 донна трансформатор, 72 тонна трансформатор мойи, 48,8 км. узунликда кабель маҳсулотлари, 223 донна бетон устунлар захира материаллари сифатида ажратилди. Турли техноген ҳолатларнинг олдини олиш бўйича 484 нафар (жумладан, 116 нафар инженер-техник, 368 нафар электромонтёр) ходимдан фойдаланиш бўйича 2024 йилнинг 8 ойи давомида истеъмолчиларга жами 5 трлн. 505,9 млрд. сўмлик (аҳолига 502,6 млрд. сўм, улгуржи истеъмолчиларга 5 трлн. 3,3 млрд. сўмлик) электр энергияси етказиб берилган. Шу

Қарорга кўра, Тошкент вилоятининг 20 та туман-шаҳарларидаги 104 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида жами 178,6 км. электр узатиш тармоқлари ҳамда 78 та трансформатор пунктларини янгилаш вазифаси қўйилган эди. Ҳозирда мазкур топшириққа асосан, 5 мингдан ортиқ эски симёғочлар бетон устунларга, шунингдек, юклама билан ишлаётган трансформаторлар юқори қувватли янгиларига алмаштирилмоқда. Энг муҳими, ҳар бирининг қуввати 400 киловатт/соат бўлган 28 донна трансформатор пунктлари ҳудудларга етказилиб, ўрнатиш алқақон бошлаб юборилган. Шу билан бирга, кўшимча янги пунктлар ишга туширилиши ҳам режалаштирилган.

Хусусан, бошқарма томонидан Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган 8 донна 40 минг кВа. қувватли трансформатор олиб келинди. Истеъмолчиларни сифатли ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида Тошкент туманининг “Кенсой” маҳалласи ҳамда Зангиота туманида жойлашган “Гўшткомбинат” ПСдаги 2 тадан 25 минг кВа. қувватли трансформатор ўрнига 4 та 40 минг кВа. қувватли трансформатор ўрнатилди. Бўстонлик тумани “Чорбоғ” ПСдаги 2 та 16 минг кВа. қувватли трансформаторлар Хитойдан харид қилинган юқори қувватлисига алмаштирилди. Яна 2 донна 40 минг киловаттлик трансформатор Юқори Чирчиқ туманига берилди. Бу янгиланиш



“Тошкент ҳақиқати” минбари



давр мобайнида истеъмолчилардан жами 6 трлн. 186,2 млрд. сўм (аҳолидан 520,2 млрд. сўм, улгуржи истеъмолчилардан 5 трлн. 666 млрд. сўм) маблағ ундирилган бўлиб, бу кўрсаткич 112,4 фоизни ташкил этди.

Қолаверса, 2024 йил 1 январь ҳолатига фойдаланилган электр энергиясидан жами 435,2 млрд. сўм (аҳоли истеъмолчилари бўйича 110,3 млрд. сўм, улгуржи истеъмолчилар бўйича 324,9 млрд. сўм) дебитор қарздорлик мавжуд бўлиб, 2024 йил 1 сентябрь ҳолатига жами 389,1 млрд. сўм (аҳоли истеъмолчиларидан 105,6 млрд. сўм, улгуржи истеъмолчиларда 283,5 млрд. сўм) дебитор қарздорлик вужудга келган. Яъни, йил бошига нисбатан дебитор қарздорлик 46,1 млрд. сўмга қисқартирилишига эришилган.

Мухтасар айтганда, бошқарма томонидан куз-қиш мавсумида аҳолини электр таъминоти билан узлуксиз таъминлаш бўйича барча чоралар кўрилмоқда. Фақат “Қарс икки кўлдан чиқади” деганларидек, истеъмолчилар тўловларини вақтида амалга оширишига бас.

Дарвоқе, қарздорлик ҳақида гап кетаркан, оддийгина бир ҳақиқатни тан олайлик: бугун энг яқин ҳамроҳимизга айланган қўл телефонимизнинг ўчиб қолишига сабр-тоқат қилолмаймиз. Башарти, шундай бўлса, ҳаялламай ҳисобимизга пул ўтказамиз. Сабаби, телефон деган матоҳ уэр-маъзур илтимосларимизни тушунмаслигини яхши биламиз. Электр энергияси ёки бошқа коммунал тўловлар учун-чи? Уларга ҳам шундай муносабатдамизми? Бу ёғига “Ҳисобли дўст айрилмас”, деган нақлга амал қилаверганимиз дуруст. Ахир, айтишадик: “Истасанг, олам булар нур-зиё, истамасанг, атроф булар зим-зиё”.



TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAQHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sirojiddin ESHQUVVATOV

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Behzod QOBULOV

Olimjon BEGALIYEV

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchesi:

To'xtamurod HASANBOYEV

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.

Bosishga topshirildi - 01:10

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-1035.

2 860 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tohir Mahmudxo'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxonasi manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

123456

Танлов

Китобхонлик ёш танламайди



Нурафшон шаҳрида “Ёш китобхон оила” танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ёзувчилар уюشمаси ҳамкорлигида ташкил этилган танловнинг туман-шаҳар босқичлари жорий йилнинг май ойида бўлиб ўтган эди. Унда 1 минг 25 та маҳалладан жами 8 минг 470 та ёш оила иштирок этиб, 22 таси вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Таъкидланганидек, танловдан асосий мақсад – жамиятда китобхонликни оммалаштириш, айниқса, ёшлар ўртасида мутолаа маданиятини оширишдир. Яқин натижаларга кўра, танловда Бўстонлик туманидан қатнашган Раимовлар оиласи биринчи, оҳангаронлик Очилловлар оиласи иккинчи, чинозлик Мираҳмадовлар оиласи эса учинчи ўринга муносиб қўрилди.

– Бундан икки йил аввал танловнинг республика босқичида муваффақиятли иштирок этган эдик, – дейди танлов ғолиби Жаҳонгир Раимов. – Бу йил ҳам омад кулиб боққанидан хурсандимиз. Яхши тайёргарлик кўрганимиз сабабли барча саволларга жавоб бера олдик. Эндиги мақсад – танловнинг республика босқичида ҳам ғолиб бўлиш.

Ғолибларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати”
муҳбири

Обуна – 2025



Келин изланыпсизми?

Интернетга муккасидан кетмаган қизлардан танланг.

Куёв қидиряпсизми?

Газета ўқиб турадиган йигитларни назардан қочирманг. Бундай йигит-қизларни қандай ажратиш мумкин, дейсизми?

Уларнинг “TOSHKENT HAQIQATI”га обуна бўлган ё бўлмаганликларини суриштиринг. Обуна бўлимимиз телефон

рақами: (55) 520-21-20. Сиз ҳам сал кам бир асрдан бери узлуксиз чоп этиб келинаётган қадрдон газетангизга

2025 йил учун

ОБУНА БЎЛИШНИ
УНУТМАНГ!

Нашр индекси – 205